БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 79 (17.659). • 5 апрель 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ЛЕНИНЧА ВАХТАСИ

110

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

3—4 апрель кунлари КПСС Марказий Комитетида Болгария Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Вьетнам Коммунистик партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Куба Коммунистик партияси, Лаос Халқ революцион партияси, Монголия Халқ революцион партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Руминия Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси вакилларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув давомида ғоявий-тарбиявий ва пропаганда ишининг баъзи бир масалалари юзасидан фикрлашиб олинди ҳамда ахборот айирбошланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Л. М. Замятин ва Е. М. Тяжельников иштирок этдилар.

(ТАСС).

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

ўртоқ Янош КАДАРга

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Пал ЛОШОНЦИга

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Дьердь ЛАЗАРга

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатнинг миллий байрами — фашизм зулмидан озод этилган кунниг 35 йиллиги муносабати билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетига, Венгрия Халқ Республикаси Президиуми ва Министрлар Советига, Венгриянинг барча меҳнаткашларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи номидан қардошлик кутловлари йўллаймиз.

1945 йилнинг апрель кунларида венгер халқи тақдирида тарихий бурилиш содир бўлди. Совет Армиясининг гитлерчи босқинчилар устидан қозонган ғалабалари натижасида фашист Хорти режими барбод бўлди, венгер халқи олдида янги турмуш қуришнинг кенг истиқболлари очилди.

Ўтган ўттиз беш йил мобайнида ишчилар синфи ва бутун халқнинг синалган авангарди — коммунистлар партияси раҳбарлигида мамлакатда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий саноат, юксак даражада ривожланган кооперациялашган қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди, фан ва маданият равнақ топди, халқ фаровонлиги анча ошди. ВСИПнинг яқинда ўз ишини тамомлаган XII съезди мана шу фидокорона бунёдкорлик меҳнатини якунлади, ривожланган социалистик жамият қурилишидаги янги марраларни белгилади.

Сизларнинг дўстларингиз ва иттифоқчиларингиз бўлмиш совет кишилари венгер халқи билан бирга ана шу ажойиб зафарлар билан фахрланадилар. Мамлакатларимиз ўртасида чинакам қардошлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари доимо ривожланмоқда. Бу муносабатлар социал тузумнинг муштараклиги, туб манфаатларнинг бирлиги, марксча-ленинча таълимотга ва пролетар интернационализмига садоқат, КПСС билан ВСИПнинг мустаҳкам жипслигидан иборат пишиқ-пухта пойдеворга таянади. Биз сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида биргаликда ҳаракат қиляпмиз, ўзаро мададкорликдан миллий ва интернационал вазифаларни ҳал этиш учун янги куч оляпмиз. Келгуси давр мамлакатларимизнинг баҳамжиҳат ҳаракатлари янада чуқурлашуви билан нишонланишига, мустаҳкам совет — венгер дўстлиги янги шонли самаралар беришига аминмиз.

Венгрия Халқ Республикаси социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини қатъият билан изчил ҳимоя қилмоқда. У 25 йилдан бери ўз қатнашчилари хавфсизлигининг мустаҳкам гарантияси, Европада тинчликнинг таъсирчан омили бўлиб хизмат қилиб келаётган Варшава Шартномаси ташкилотини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. ВХР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятида, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини рўёбга чиқаришда актив қатнашмоқда. Тинчлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, социал тараққиёт, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қардош социалистик мамлакатлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган Венгрия Халқ Республикаси муносиб равишда юксак халқаро обрў-эътибор қозонди.

Халқ Венгриясининг шонли юбилейи кунида ишонч билдириб айтамизки, Совет — Венгрия дўстлиги ва ҳамкорлиги халқларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мутасил мустаҳкамланаверади. Сизларга, Венгриянинг барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қуришда, ВСИП XII съезди қарорларини бажаришда, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик учун олижаноб курашда кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи билан Венгрия халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Генрик ЯБЛОНЬСКИЙга

Муҳтарам ўртоқ Яблоньский!

Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раисидек юксак лавозимга сайланганлигингиз муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни самимий қутлайман.

Ўртоқ Раис, Сизга, бутун қардош Польша халқига социалистик қурилишда, Польша Бирлашган ишчи партияси VIII съездининг қарорларини бажаришда янгидан янги муваффақиятлар тилайман.

Совет — Польша дўстлиги, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик социалистик ҳамдўстликни, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт ишини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб бораверади, деб чуқур ишонч билдираман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Эдвард БАБЮХга

Муҳтарам ўртоқ Бабюх!

Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси лавозимига яна тайинланганлигингиз муносабати билан Сизни Совет ҳукумати номидан самимий қутлайман.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг VIII съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш, социалистик Польша фаровонлиги йўлидаги мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама қалин ҳамкорликни, тинчлик ва социализм ишини янада ривож топтириш ва чуқурлаштириш манфаатлари йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда Сизга катта муваффақиятлар тилаймаи.

А. КОСИГИН.

БУЮК АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Ишчилар синфининг инқилобий ташаббускорлиги коммунистик шанбаликларни бошлаб берган эди. В. И. Ленин бу меҳнат қаҳрамонлигини Буюк почин деб атаганди.

Буюк почин учунидан социалистик мусобақа олови алангаланди. Эндиликда мазкур ватанпарварлик ҳаракати сифат жиҳатидан янги-янги қирраларда намоён бўлмоқда.

Партия совет ишчиларини 1980 йилни ленинчасига, зарбдорчасига ишлаш йилига айлантиришга даъват этди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ушбу чақириққа амалий иш билан жавоб бериб, Москвадаги илғор корхоналар ва ташкилотларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Республикадаги барча партия комитетларида шанбаликка тайёргарлик кўрувчи штаблар, оператив группалар тузилган. Бундай штаб ва группалар фабрикалар, шахта ва қурилишлар, колхоз ва совхозларда ҳам иш олиб бормоқда. Қуйида коммунистик шанбалики ўтказувчи республика штаби олган бир неча ахборот билан танишасиз.

НУКУС

«Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз!» мавзуида ўтаётган очиқ партия йиғилишлари омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини ошириб юборди. Йиғилишларда оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Хўжайли гўшт комбинати ва Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси коллективлари ўзларининг беш йиллик планларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажаришга аҳд қилдилар. Умуман 6496 нафар киши шанбаликка шахсий беш йиллик нормасини адо этиш мажбуриятини олган. Кўпгина ишчилар ва колхозчилар айни кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик шанбаликда Қорақалпоғистон АССРдан жами 506.534 нафар киши қатнашади. 1 миллион 388 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, 837,1 минг сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажариш, ўninчи беш йиллик фондига 313 минг сўм ўтказиш мўлжалланмоқда. 87 та меҳнат коллективи шанбалик куни тежаб қолинган хом ашёни ишлатади.

АНДИЖОН

Андижон областида коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Область партия комитети, барча шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида шанбаликни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Область партия комитети локомотив депоси, «Коммунар» ва гидролиз заводлари, 51-автокорхона ҳамда 162-трест 1-қурилиш бошқармаси коллективларининг 19 апрелда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор меҳнат ва юксак иш сифати йилига айлантириш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Шанбаликда ҳаммаси бўлиб, областнинг 660 мингдан зиёд аҳолиси қатнашади. Шу куни қариб 1,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Бу, ўтган йилдагидан 40 минг сўмлик кўп, демакдир. 450 минг сўм эса беш йиллик фондига ўтказилади. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришда 420 мингдан кўпроқ ишчи, хизматчи ва ўқувчи иштирок этади.

ЖИЗЗАХ

Жиззахдаги КПСС XXV съезди номли устки трикотаж фабрикасининг бригада ва сменалари Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида пландан ташқари 12 минг сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш мажбуриятини олиб ишламоқда. Беш йиллик фондига 2 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказилади. Зоминдаги 26-автотранспорт корхонаси ҳайдовчилари шанбалигида 2,5 минг тонна халқ хўжалиги юкларини тежаб қолинган ёнилғида ташийдилар.

19 апрелда Жиззах областидан ҳаммаси бўлиб 252 минг нафар киши ишлайди. Уларнинг кучи билан 742 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 540 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш планлаштирилган. 1400 нафардан зиёд ишлаб чиқариш илғори, 62 та цех, 170 та бригада, смена ва бўлим, 104 та корхона ва хўжалик иқтисод қилинган хом ашё, ёнилғи ва материаллар ҳисобига маҳсулот тайёрлайди.

ГУЛИСТОН

Сирдарё областидаги кўпгина меҳнат коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, буюмларнинг сифатини яхшилаш, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш билан нишонлашга интилмоқда. Ховос станциясининг локомотив депоси коллективи қизил шанбалик куни 50 та катта юкли поездларни тежаб қолинган ёнилғи билан бошқариш, поездлар тузиш планини 110 процент бажариш мажбуриятини олган. Шу куни ишлаб топилган 4250 сўм беш йиллик фондига ўтказилади. 7-трестнинг 850 дан зиёд ишчи-пионери шанбаликда фаол иштирок этиб, 14 минг сўмлик иш бажарди. Улар бундан ташқари катта ҳажмдаги ободонлаштириш юмушларини ҳам ўрнига қўйишади. Умуман олганда, биргина Сирдарё районининг ўзида 45.300 киши шанбаликка чиқиб, уларнинг 21 минг нафари ўз иш жойида меҳнат қилади. Область бўйича олганда эса Бутуниттифоқ меҳнат байрамида 268 минг киши қатнашади.

Маълумки, ўтган йили ўтказилган Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалигида республикамизда 37 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган эди. 1980 йилда бўладиган навбатдаги байрам меҳнат вахтасида эса бундан ҳам кўпроқ ҳажмда буюмлар тайёрланиши керак.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бўлажак умумхалқ меҳнат байрамига қизғин тайёргарлик кўрар эканлар, 19 апрелда тежалган хом ашё, материаллар, энергия ресурслари билан ишлаш, ишлаб чиқариш резервларини ҳаракатга келтириш, шу асосда пировард юксак натижаларга эришишни ўзларининг олий мақсадлари қилиб қўйганлар.

ЕР ОСТИ ХАЗИНАЛАРИНИ ҚИДИРУВЧИЛАР БАЙРАМИ

4 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш уларнинг профессионал байрами — геологлар кунига бағишланди. Йиғилишда ленинча зарбдор вахтада эришилган муваффақиятлар тўғрисида, республика геология хизматининг навбатдаги вазифалари ҳақида гаплашиб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Кўчат экинг, боғ қилинг!

«Яхши ният билан кўчат эк!» — дейди халқимиз. Қуйидаги маълумотларда Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари бўйича баҳорги кўчат экиш мавсумида 1980 йил 31 мартгача боғлар, узумзорлар бунёд этиш, ўрмон мевачилиги ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экишнинг бориши кўрсатилган (Топшириқ қа нисбатан процент ҳисобида).

Республика министрликлари ва идоралари бўйича жами — 92,1; Қишлоқ хўжалик министрлиги — 107,3; Ўрмон хўжалиги министрлиги — 67,2; Сув хўжалиги министрлиги — 51,2; Коммунал хўжалик министрлиги — 58,3; Маориф министрлиги — 95,2; Соғлиқни сақлаш министрлиги — 55,5; Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги — 54,2; Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси — 42,6; «Узплодоовощвпипром» — 76,3; Тошкент шаҳри — 113,9; Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги — 91,2; Маданият министрлиги — 60,2; Пахта тозалаш саноати министрлиги — 56,7; Савдо министрлиги — 69,8; Тайёрлаш министрлиги — 20,0; Гўшт ва сут саноати министрлиги — 59,0; Соцмол таъминот министрлиги — 68,6; Қишлоқ қурилиши министрлиги — 29,2; Ички ишлар министрлиги — 220,2; Қурилиш министрлиги — 51,8; Ҳукартехника таълим давлат комитети — 114,7; «Госкомсельхозтехника» — 55,9; «Главсредазирсовхозстрой» 98,5; Узколхозстрой» — 64,8; «Узбекбирлашув» — 67,5; Биноқорлик материаллари саноати министрлиги — 61,2; Озиқ-овқат саноати министрлиги — 45,5; Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги — 161,6; Маҳаллий саноат министрлиги — 96,2; Алоқа министрлиги — 29,6; «Узглавнефтеснабсбит» — 72,7; «Узглавводстрой» — 108,5; «Узстройбанк» — 97.0.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози деҳқонлари чигит экишни бошлашди. Бу ишга биринчи бўлиб Ульянов номли бўлим механизаторлари Энвер Алиев ўртоқлар. Паст да — илғор бўлим далаларида чигит экиш пайти.

А. Усмонов фотолари. (ЎзТАГ).

ЕР ВА ОДАМЛАР

КЎКЛАМ ЧАШМАЛАРИ

Пахтазорларга жон кирди: ишчиларнинг шовқини далага таралиб, бамисоли кўклам чашмалари янги куч билан ургандек тракторлар эгат олмоқда, юк машиналари ва тележкалар дала йўлларида пайдар-пай қатнаб турибди. Тошкент областидаги энг катта пахтакор хўжаликлардан бири — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози чигит экишга киришди.

Қишлоқдаги кун кўкламда эрта саҳардан бошланади. Дала четидаги хали барг ёзишга улгурмаган дарахтлар учига қуёш нури тушмасданоқ, совхознинг 1-бўлим бошқарувчиси — республикада хизмат кўрсатган пахтакор Алима Айвазова механизаторларга сўнгги йўл-йўриқларни бермоқда. Оқкўл Ражабов ва Турғун Маллабоевнинг бригаларни чигит экишга яхши хозирлик кўрдилар: далаларни барвақт текислаб, нам тўпладилар, карталарни синчиклаб бороналадилар.

Звено бошлиғи Энвер Алиев ўртоғи, бошқа звеноларнинг бошлиғи Абдусаттор Сулаймонов билан бирга дала бошига чиқиб тупроқнинг қисмлаб кўрди-да, вакт бўлибди, деди. Уларнинг ҳар иккаласи тажрибакор пахтакорлардан, иккаласи ҳам ўз меҳнати учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган. Шу звенолар ўртасида азалдан анъана тусига кириб колган мусобақа пахтакорлар учун янги марраларга эришиш воситаси, ишончи тажриба мактаби бўлиб қолди.

— Бу йил ўн иккита механизаторлик звеносининг ҳаммаси оширилган мажбурият олган, — дейди А. Айвазова. — Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки бу йил Ленин юбилейи нишонланадиган йил. Бизнинг бўлимимиз эса Ульянов номи билан аталган. Пахтакорлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига мажбурият қабул қилиб беш йиллигини зарбдорларча якунлашга, 875 гектар ернинг ҳар гектаридан эллик центнер пахта хосили олишга яқдиллик билан қарор бердилар.

Чигит пухта ўйлаб тузилган агротехника схемасига мувофиқ, аниқ белгилаб қўйилган иш маромида экилмоқда. Биринчи кунниг ўзидаёқ бўлимнинг ҳамма агрегатлари экиш нормасини бажарди, илғор звеноларнинг механизаторлари эса ўн икки гектардан ерга чигит экиб, нормани анча ошириб адо этдилар.

— Хўжаликда 57 агрегат чигит экишга киришди, — дейди совхоз директори С. П. Зокиров бир кунлик ишни якунлаб. — Биз факат туксиз чигитларни аниқ миқдорда экяпмиз. Бу усул ғўзани яганалашдек сермеҳнат ишга ҳожат қолдирмайди, неча ўн минг сўмни тежайди. Ўтган йилдардан фарқли ўлароқ чигит экиш нормасини гектарига 25 килограммгача етказдик, бу тадбир хосил теримига киришиш арафасида ҳар гектар ерда 135 минг туп—бултургидан ўттиз минг туп кўп ғўза бўлишини таъминлайди. Шу тарика хосилни анча кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз. Совхознинг ҳамма ерларига яхши текширишдан ўтган ва бизнинг шароитимизда жуда самарали бўлган «Тошкент-1» навли чигит экилди.

...Моторлар гуруллайди. Хўжаликдаги экиш-тикиш ишлари кўклами оним кабі тобора кенгайиб бормоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Тошкент области.

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИДА СУҲБАТ

4 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида бўлиб, 1979 йилги давлат қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш якунлари билан танишди.

Бу муҳим иш РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин имзолаган қарори асосида давлат кўламида бошлаб юборилган эди. Қарорда республикада уруғчиликни ташкил этиш ва ишлари халқ комиссарлигининг гоят муҳим вазифаси эканлиги таъкидланган эди. Кейинги йилларда, айниқса, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Донли, мойли экинлар ва ўт-ўлаш селекцияси ҳамда уруғчилигини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан сўнг бу соҳада катта ишлар олиб борилмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар ва селекциончилар серҳосил экин навларини яратишга қаратилган иш натижалари тўғрисида, шунингдек селекция ишлари самарадорлигини ошириш, янги серҳосил нав ва дурагайларни тезроқ эка бошлаш, уруғчиликни нҳтисослаштириш ва концентрациялаш ҳамда уни саноат негизига кўчириш максадида ҳал этилиши лозим бўлган актуал проблемалар тўғрисида гапириб бердилар.

А. Н. Косигин селекциончилар, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассислари қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни хаммачоралар билан кўпайтириш ва уннг сифатини ошириш борасидаги куч-ғайратни кўпайтирадилар, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, СССР министрлари В. К. Месяц ва Н. Ф. Васильев, СССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети раиси А. А. Ежевский қатнашдилар.

(ТАСС).

ЛЕНИНИЗМ—ЗАМОНАМИЗНИНГ РЕВОЛЮЦИОН БАЙРОҒИ

4 апрель куни Тошкентда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, Тошкент олий партия мактаби ўтказди.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиков очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов, Тошкент медицина институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори А. Ф. Водолазский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. Т. Турсунов, Тошкент олий партия мактабининг ректори, тарих фанлари доктори М. И. Искандаровлар доклад қилдилар. Конференция қатнашчиларининг доклад ва нутқлари марксизм-ленинизм назарияси ва практикасининг, марксча-ленинча таълимотни ижодий ривожлантиришнинг, Ленин васиятларини, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишнинг жуда кўп масалаларига бағишланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими С. К. Чуйкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

КИНОФЕСТИВАЛЬ МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Элликта давлат ва халқаро ташкилот ҳозирининг ўзидаёқ Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг май ойининг сўнгги декадасида Тошкентда ўтказиладиган VI Халқаро кинофестивалида қатнашиш учун расмий равишда розилик берди. Уч қитъа кинематографчилари анжуманга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг 4 апрелда бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳақда маълум қилинди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева олиб борди.

Мажлис қатнашчилари кино санъатининг ана шу байрахига тайёргарликнинг бориши тўғрисида фестиваль бош дирекциясининг ахборотини, республика министрликлар ва идоралар раҳбарларининг маълумотларини тингладилар. (ЎзТАГ).

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНАДИ

4 апрель куни Тошкент жамоатчилигининг Венгрия Халқ Республикаси миллий байрамининг 35 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Совет—Венгер дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлими правлениеси раиси республика Фанлар академиясининг академиги К. А. Зуфаров ана шу ҳақда доклад қилди. Йиғилишда таниқли интернационалист-ветеран, ВХР Фанлар академиясининг академиги Шандор Радо бошчилигидаги Венгер—Совет дўстлиги жамиятининг делегацияси иштирок этди.

Бир кун олдин Ўзбекистон ССР Санъат музейида ВХРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тамаша Ассонинг Венгрия озод этилган, кунга бағишланган шахсий кўргазмаси очилди.

(ЎзТАГ).

110

ЛЕНИНЧАСИГА ЯШАЙМИЗ, ИШЛАЙМИЗ ВА КУРАШАМИЗ

«ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК АҲАМИЯТИ ШУНДАКИ, У ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ, ЖАҲОН СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТИ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ЧУҚУР ВА АНИҚ ИФОДАЛАЙДИ, ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ЭНГ ЎТКИР ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРИГА ТЎҒРИ ЖАВОБЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ, ЕТИЛГАН ПРОБЛЕМАЛАРНИ ДАДИЛ, ИЖОДИЙ ҲАЛ ЭТИШНИ ЎРГАТАДИ, ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ИЛМИЙ ТУШУНИШ УСУЛИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қароридан).

ТИНГЛАНГ: ДОҲИЙ СЎЗЛАЯПТИ

Тошкент грампластинкалар уйи республикамизнинг барча савдо ташкилотларига В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмасида ишлаб чиқарилган грампластинкаларни жўнатиб бўлди.

Замондошларимиз орасида Владимир Ильич Ленинни ўз кўзи билан кўришдек бетакрор омадга, тўғрироғи, бахтга муяссар бўлган кишилар жудаям оз. Аммо, техникага шон-шарафлар бўлсинким, биз ҳозирги кунда ҳам доҳийнинг ўз овозини тингламоқдамиз.

Савдо ташкилотларига юборилган грампластинкаларнинг биринчисида Владимир Ильич Ленининг 1919—1920 йилларда ёзиб олинган нутқлари муҳрланган. Булар «Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Яков Михайлович Свердлов хотираси», «III Коммунистик интернационал», «Ленининг радио орқали Бела Кун билан музокаралари тўғрисида ахборот», «Қизил Армияга мурожаат», «Совет ҳокимияти нима?», «Меҳнат интизоми ҳақида» каби нутқлардир. Пластинкада ҳаммаси бўлиб саккизта нутқ ёзилган.

Иккинчи пластинка «Халқ комиссарлари сўзлайдилар» деб аталади. Унда бевосита В. И. Ленининг раҳбарлигида революцияни тайёрлаш ва уни амалга оширишда, мамлакатни революцион қайта қуришда қатнашган улуғ инқилобчиларнинг сўзлари битилган. Масалан, революция йиллари ҳарбий коллегия аъзоси, кейинчалик Олий бош қўмондон ва ҳарбий ишлар бўйича халқ комиссари бўлиб ишлаган Н. В. Крыленко ҳикоясини «Биз ўз давлатимизни қура бошладик» деб номлаган. А. В. Луначарский, Н. И. Подвойский, А. М. Коллонтай, Л. Б. Красин, А. Г. Шлихтер, Д. И. Курский, Н. А. Семашко, Г. И. Петровскийларнинг сўзлари ҳам доҳий, унинг буюк ватанпарварлик фазилатлари, революцион фаолияти, мамлакатимизнинг дастлабки йилларидаги турли қийинчиликлар ва уларнинг мардонавор бартараф этилиши тўғрисида мароқли суҳбатлардир.

«Ленин билан учрашув» деб аталган грампластинкалар альбоми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг 1970 йил 21 апрелда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи билан очилади. Грампластинкада энг мазмунли ва ҳаяжонли ҳикоялардан бири Коммунистик партиянинг кекса арбобларидан бўлган Г. М. Кржижановскийнинг Ленин ҳақидаги хотираларидир. У доҳийнинг Петербургдаги революцион фаолияти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Г. М. Кржижановскийнинг эсдаликларини 1893 йилдан бошлаб социал-демократик ҳаракатда қатнашган Ф. В. Ленгникнинг ҳикояси тўлдиради.

Революцион ҳаракатнинг кекса арбобларидан бўлган Е. Д. Стасованинг ҳикояси ҳам ғоятда мароқлидир. Инқилоб йиллари Петербург комитетининг секретари бўлиб ишлаган бу аёл дастлаб В. И. Ленин билан чет элда танишади. Маълумки, доҳийнинг революция характерини ҳар томонлама баҳолаган, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва перспективларини кўрсатган машҳур мақолаларининг аксарияти хорижда ёзилган. Е. Д. Стасова ана шу асарларнинг юзага келиши тарихини яхши билган. Шу боисдан у ўз эсдаликларини фактма-факт, рақаммарақам аниқ қилиб бошлайди ва давом эттиради. Худди шу грампластинкада ёзувчи О. К. Матюшина, 1904 йилдан партия аъзоси Е. А. Киселёв, уч революцияда қатнашган С. Гопнер, Франция ва халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Жак Дюкло, 1905—1907 йиллардаги революциялар қатнашчиси А. И. Иванова, 1897 йилдан партия аъзоси Г. И. Петровский ва бошқаларнинг хотиралари ҳам доҳий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ажойиб оғзаки тарихий ҳужжатлардир.

Худди шу грампластинкада Ильичнинг умр йўлдоши, революционер, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Надежда Константиновна Крупская ҳикоясига кенг ўрин берилган. У В. И. Ленин билан бўлган илк учрашувлари, танишуви, биргаликда олиб борган революцион ишлари ҳақида тўлиб-тошиб, фахр билан гапиради. Бу эсдалик Ильичнинг биринчи навбатда буюк инсон бўлганлигини ёрқин мисолларда кўрсатувчи факт эканлиги билан тарихий аҳамиятга эга, албатта.

Яна бир грампластинкамиз «Ленин Октябрда» деб номланган. Маълумки, совет кинематографиясининг худди шу номдаги энг яхши намунаси бор. Машҳур кинорежиссер Михаил Ромм раҳбарлигида экранлаштирилган бу фильмдаги В. И. Ленин ролини ажойиб актёр Б. Шчукин ўйнаган. Пластинкага фильмнинг энг муҳим дақиқалари ёзилган.

«В. И. Ленин ҳақида қўшиқлар» деган грампластинкамиз эса, доҳийга, унинг революцион фаолиятига, ўлмас ғояларига ўзига хос янгроқ гимн бўлиб таралади.

Хуллас, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб тайёрланган грампластинкаларнинг ҳаммаси ана шундай мазмунли ва ранг-баранг дир.

М. ФОЗИЛХЎЖАЕВА,
Тошкент грампластинкалар уйининг директори.

Суратларда: 1. В. И. Ленин овоз ёзиб олувчи аппарат ёнида. Москва, 1919 йил 29 март. 2. Доҳий юбилейига бағишлаб Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси тайёрлаган грампластинкалардан намуналар.

ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

АҲОЛИНИНГ... ТУРМУШИНИ ҚУРИШ МАСАЛАСИ — БИЗ УЧУН ЭНГ АСОСИЙ МАСАЛАДИР.

Коммунистик партия меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишни, уларнинг кундалик моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўзининг бош вазифаси, олий мақсади деб ҳисоблайди. Одамларга чинакам ғамхўрлик қилиш Ленин партиясининг асосий қонуни бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Партия ва давлат халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги фаолиятида Ленининг битмас-туганмас меросига, марксизм-ленинизм ғояларига амал қилиб келмоқда. Юксак турмуш маданияти учун курашиш — бу биринчи навбатда инсон учун, коммунистик жамият қуриш учун курашишдир. Доҳий таъбири билан айтганда, аҳолининг турмушини қуриш масаласи меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган социал тадбирларнинг комплексини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва халқ фаровонлигини, унинг маданиятини ўстириш масалалари бир-бири билан узвий равишда боғланган бўлиб, бири иккинчисини тақозо этади. Шу боисдан партия ўзининг ленинча аграр сиёсатини амалга оширишда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини анча кўтариш, уни умумий социал-иқтисодий муваффақиятлар даражасига етказиш масаласини муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу масала КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ва 1979 йил ноябрь Пленумларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумлардаги нутқ ва докладларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиққан Қашқадарё область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳам аҳолининг иш ва турмуш шароитини яхшилашда доҳий ғоялари асосида иш тутиб, қатор тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётирлар. Маълумки, турмуш инсон ҳаётининг асосий соҳаларидан биридир. Меҳнаткашларнинг қўлга киритаётган ютуқлари замирида уларнинг кундалик турли-туман ўзаро муносабатлари, урф-одатларга, анъаналарга, меҳнатга ва социалистик жамият қоидаларига риоя қилиши муҳим аҳамият касб этади. Турмуш кенг табақали аҳолининг асосий эҳтиёжи ҳисобланади. Ўз вақтида В. И. Ленин турмушнинг аҳамиятини таъкидлаб, «... маданият, ҳаёт ва одатга кирган нарсаларнигина қўлга киритилган ютуқ деб ҳисобламоқ керак», — деб қайд қилган эди. Турмуш маданиятини яхшилашда область партия ташкилотлари ленинча иш услубига амал қилиб, бой тажриба тўплаганлигини, бу соҳани социал план асосида ривожлантираётганлигини айтиб ўтмоқ керак.

Область партия комитетининг бюроси Шаҳрисабз, Нишон, Ульянов район партия комитетларининг қишлоқ турмуш маданиятини қайта қуриш, Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» боғдорчилик совхози, Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз бошланғич партия ташкилотларининг совет турмуш тарзини, янгича урф-одат ва анъаналарни пропаганда қилиш соҳасидаги тадбирлари ва тажрибаларини кенг муҳокама этиб, маъқуллаган эди. Бу ташаббуслар эндиликда ҳамманинг мулкига айланди.

В. И. Ленин «Янги жамиятни... шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик ҳисоби асосида қуриш мумкин», — деб таъкидлаган эди. Жонажон Коммунистик партия бу улуғ ғояга амал қилиб келмоқда. Ленинча ғояларнинг ҳаётбахш кучи туфайли ўтмишда қолоқ бўлган Қашқадарё республикамизда халқ хўжалиги ва маданияти гуллаб-яшнаётган областлардан бирига айланди.

Элга эътибор масаласи партия ташкилотлари ва хўжалик органларининг фаолиятида асосий мазмунни ташкил этаётганлиги ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жабҳасида областимиз қудратини ошириб бормоқда. Чунончи, Қашқадарёда бей йилликнинг тўрт йили ичида пландан ташқари 47 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми 37 процентга ўсди. Шунингдек, капитал қурилишнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Тўрт йилда 815 минг квадрат-метр уй-жой, 46 минг ўринли мактаб ва 9 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилиб, ишга туширилди. Қарши чўлини ўзлаштириш ишлари муваффақиятли давом этмоқда. 77 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Қишлоқ хўжалиги ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўтган тўрт йилда Қашқадарё пахтакорлари давлатга 1 миллион 940 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Бу пландагидан 115 минг тонна кўпдир. Шунингдек, 1 миллион 315 минг тонна дон етиштирилди ва бу соҳадаги беш йиллик план уч йилда шараф билан бажарилди. Учинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида тўққизинчи беш йилликка нисбатан гўшт етиштириш 29 процент, сут 38 процент ва тухум 65 процентга ўсди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин область экономикасида катта юксалиш рўй берди. Сўнгги ўн йилда меҳнаткашларнинг миллий даромади 2,5 баробарга ўсди. Колхозчилар ўртача 81 сўмдан 160 сўмгача ойлик маош оладиган бўлдилар. Меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранларига ғамхўрлик тубдан яхшиланди.

Эндиликда қишлоқ меҳнаткашлари ҳам шаҳарликлардек ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган уй-жойларда яшашга интилмоқдалар. В. И. Ленин ўз вақтида шаҳар ишчилари билан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида... ўртоқлик алоқасини ўрнатиш — бизнинг вазифамиздир, ҳокимият тепасида турган ишчилар синфининг асосий вазифаларидан биридир, — дея башорат қилган эди. Партия ташкилотларимиз ленинча ғояларга амалга қилиб, кейинги йилларда яхши анъаналарни вужудга келтирдилар. Қурилиш ва саноат корхоналарининг коллективлари, шаҳарликлар қишлоқ меҳнаткашларига мадад бердилар, қишлоқ хўжалик ходимлари эса шаҳарликларга ҳар томонлама ёрдамлашмоқдалар. Буни Қарши шаҳри билан чўл зонаси районлари мисолида кўриш мумкин.

«Ўроқ ва Болға» бирлигининг бундай мустаҳкам ҳамкорлиги қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жойларда социал план асосида эски қишлоқлар ўрнида кооператив ва бошқа йўллар билан маданий-маиший қулайликларга эга бўлган шинам посёлкалар бунёд этилаётир. Шаҳрисабз районидаги Ленин номли, «Социализм», Энгельс номли, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозлари, Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли, Қарши районидаги «Аврора» совхозлари каби ўнлаб хўжаликларда маданий-маиший, савдо, медицина комплекслари бўлган йирик турар жой посёлкалари ва маданият марказлари яратилди. Биз бу ибратли йўлни изчил давом эттирамиз. 1985 йилга бориб 32 минг кишилик 459 та хуторни тугатиш, 180 та ҳар томонлама шарт-шароитга эга бўлган йирик посёлкалар қуриш кўзда тутилмоқда. Бу борада Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб ва Қарши район партия комитетлари ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш маданиятининг ўсиши халқ фаровонлигининг мезонидир. Шаҳарлардаги турмуш қулайликлари энди қишлоқ ҳаётининг ажралмас томони бўлиб қолди. Кейинги тўрт йилда қишлоқларимизда 18 мингдан зиёд хонадон газлаштирилди. Ҳозир 100 мингта яқин колхозчи ва совхоз ишчиси уй-рўзғор учун қулай ёқилғи — газдан фойдаланмоқда. Шунингдек, ўтмишда ичимлик сувга муҳтожлик сезган Қашқадарё халқи чучук сув билан таъминланди. Ҳозир аҳолининг 88 проценти водопровод сувидан фойдаланмоқда. Қисқа вақт ичида 450 километрли Шаҳрисабз —Муборак— Баҳористон — Ўртабулоқ водопровод магистрали қурилиб, ишга туширилди. Аҳолига телефон-телеграф хизмати кўрсатиш ишлари ҳам аввалгига нисбатан бирмунча яхшиланди.

В. И. Ленин 20-йиллардаёқ одамлар кундалик эҳтиёжи учун керакли озиқ-овқат, кийимкечаклар етказиб беришни матлубот жамиятлари ва бошқа таъминот ташкилотлари олдига муҳим вазифа қилиб қўйиб: «Ҳар бир кишининг нони бўлсин, ҳамманинг оёғида чидамли пойабзали ва устида бутун кийими бўлсин, иссиқ уй-жойи бўлсин, ҳалол ишласин», — деганди. Бу ленинча кўрсатмадан келиб чиққанимизда, меҳнаткашларнинг маданий фаровонлигида савдо ва маиший хизматнинг роли беқиёслигини кўрамиз. Ўз навбатида бу тўғрида гап кетар экан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада яхшилаш масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Бундай моллари кўпроқ ва, энг муҳими, сифатлироқ ишлаб чиқариш керак. Бу одамларнинг эҳтиёжини қондириш билан бирга инсонда ҳузур-ҳаловат ва ёқимли кайфият уйғотибгина қолмай, ўз мамлакати ва иқтисодий тузуми учун зўр ифтихор туйғусини ҳам шакллантиради. Бу савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ишини тубдан яхшилашга боғлиқдир. Ўтган ўн икки йилда областимизда 800 тага яқин магазин ва умумий овқатланиш тоҳчалари қуриб битказилди. Фақат кейинги йилларда 44 та энг йирик савдо комплекслари қурилди.

Бундай фикрни маиший хизмат кўрсатишда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам айтиш мумкин. Партия ва совет ташкилотлари маиший хизмат масаласини бутунлай қайта кўриб чиқдилар. Жойларда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари 280 тага кўпайди, аҳолига хизмат кўрсатиш уч баравар ўсди.

Халқ бахт-саодати йўлида қанчалик кўп иш қилинган бўлса, бу юзлаб актив коммунистларимизнинг бош-қошлиги, жанговар ташкилотчилиги самараси деб биламиз. Одамларга беқиёс ғамхўрлик ва оқилона раҳбарлик қилишда катта обрў-эътибор қозонаётган ажойиб коммунистларимиз борки, уларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Биз Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари Неъмат Ҳикматов, Чироқчи район партия комитетининг биринчи секретари Толмас Тиллаев, Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи директори Нурмамат Рустамов, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози раиси Зиёдулла Бекназаров, Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхози раиси Ўроқ Қурбонов, Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхознинг бригада бошлиғи Адолат Носирова каби камтар, ишчан, дилкаш, ташаббускор ва ўзгаларга меҳрибон кадрлар шаънига шундай самимий фикрларни айта оламиз. Улар бундай фазилатни улуғ доҳийнинг ғоявий меросидан ўрганганлар.

Коммунист Нурмамат Рустамовни олайлик. У ўзи раҳбарлик қилаётган меҳнат коллективида кекса ва ветеран чорвадорлар хонадонида тез-тез бўлиб, улар билан қизғин суҳбат уюштиради. Ана шундай суҳбатларнинг бирида кексалар Помуқ қишлоғи ободончилиги, сув келтириш ва боғлар яратишга доир қимматли фикр билдиришди. Директор бу ҳақли талабни тегишли ташкилотлар ёрдамида тўла-тўкис ҳал этишга эришди. «Ўзбекистон» совхозига Шаҳрисабздан 180 километрли қувур орқали зилол сув келтирилди.

Кишилар эҳтиёжига ленинча эътибор билан қараш, турмуш маданиятини яхшилаш — булар фақат қулайлик ва ободончилик эмас, булар, энг аввало, кишилар онги ва қалбига коммунистик ахлоқ принципларининг нечоғли сингиб кетганидан, уларнинг мазкур принципларга қанчалик амал қилаётганликларидан далолат бераётган кўрсаткичлардир. Бугунги кунда областда 300 га яқин клуб, 400 дан ортиқ кутубхона, 70 та Бахт уйи, мингдан зиёд дала шийпони, 410 та бадиий ҳаваскорлик коллективи ва кўплаб музейлар турмуш маданиятини пропаганда қилиш билан бирга меҳнат аҳлини коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларнинг маданий фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда. Меҳнат аҳлига Ленин ғояларини тарғиб қилишда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли область музикали драма театри ижодий коллективининг самарали иши мақтовга лойиқ. Театр коллективи саҳналаштирган Михаил Шатровнинг «Революция номи билан» асари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу спектаклни 50 мингдан зиёд киши томоша қилди. Шунингдек, кўп сонли бадиий ҳаваскорлик коллективларимиз санъат сарчашмасидан халқни баҳраманд этмоқдалар.

Ленинча иш услубига риоя қилган ҳолда кишилар эҳтиёжи билан жиддий шуғулланиш, меҳнаткашларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни тинглаш, уларга шошилинч ёрдам кўрсатиш обком бюро аъзолари ва бўлим мудирларининг диққат марказида турибди. Айниқса, муҳим саналар арафасида партия ва хўжалик активларимиз меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранларининг хонадонларида бўлиб, уларнинг эҳтиёжи билан қизиқишлари, лозим топилганда тегишли ёрдам кўрсатишлари халқнинг партия ташкилотига бўлган садоқатини кучайтирмоқда.

Партия билан халқнинг бирлиги ғалабаларимизнинг асосий манбаидир. Ленин халққа ишонган кишилар, жонли халқ ижоди булоғидан баҳраманд бўлганларгина ғалаба қозонади, деб таълим берган эди. Шонли Коммунистик партия бу васиятни муқаддас билиб, унга риоя қилмоқда. Бу таълимот областимиз партия ташкилоти учун ҳам ибрат намунасидир.

Афсуски, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришда айрим жойларда ҳали жузъий нуқсонлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Баъзи район ва хўжалик раҳбарлари, қишлоқ Советининг активлари аҳоли эҳтиёжи ва таъминоти билан шуғулланишга гўё иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар. Қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилаш, ободончилик ишларига ҳали ҳам панжа орасидан қараш ҳоллари учраяпти. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига тўғраларча муносабатда бўлаётганлар ҳам бор. Шаҳар ва қишлоқларда кинотеатрлар, физкультура ва спорт майдонлари қуришга етарли эътибор берилмайди. Ваҳолонки, физкультура ва спорт одамларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг турмуш маданиятини оширишда катта ўрин тутади. Бу камчиликларни изчил бартараф этиб бормоқдамиз.

Барча совет кишилари, прогрессив инсоният доҳий юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Юбилейга арзигулик ишларни амалга ошириш —партия ташкилотларининг энг муҳим жанговар вазифаси эканлиги КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қароридa, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида ҳам алоҳида уқтириб ўтилди. «Мамлакатимиз, барча совет республикалари Ленин юбилейини социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириш билан, умумхалқ ижодий жўшқинлиги билан кутиб олмоқда», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Областимиз меҳнаткашлари ҳам шонли юбилей йилида улкан ютуқларни қўлга киритишни мўлжаллашмоқда. Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этиш учун курашаётирлар. Пахтакорларимиз 600 минг тонна «оқ олтин», галлакорлар 500 минг тонна дон етиштиради. Чорвадорларимиз эса ўтган йилгига нисбатан гўшт ва сут етиштиришни 20 процент, тухумни 25 процентга кўпайтириш мақсадида баракали тер тўкишмоқда. Хуллас, барча куч ва имконият, билим ва тажрибалар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини янгидан янги зафарлар билан нишонлашга қаратилмоқда.

Р. ГОИПОВ,
Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Халқимизнинг шавкатли меҳнат жасоратлари мемориал ёдгорликларда, турли монументал ҳайкалтарошлик асарларида ўз аксини топган. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ишчи, инженер ва ихтирочилар, дала меҳнаткашлари, кашфиётчи олимлар, қурувчи ва энергетиклар, меҳнат жабҳаси қаҳрамонларига ажойиб ҳайкаллар ўрнатилган. Ватанимиз пахтачилиги тараққиёти тарихи билан боғлиқ ёдгорликлар ҳам оз эмас. Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар меҳнат қаҳрамонлигини пропаганда қилишда меҳнат шон-шуҳрати, совет фани ва техникаси ёдгорликларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-назарий конференцияси «Ўзбекистондаги меҳнат шон-шуҳрати, фан ва техника ёдгорликлари ҳамда меҳнаткашлар ва ёшларни тарбиялашда уларнинг роли» мавзусига бағишланди. Конференция қатнашчилари бундай обидаларни авайлаб-асраш юзасидан тажриба алмашдилар. Меҳнат шон-шуҳрати, фан ва техника ёдгорликлари тўғрисида илмий-оммабоп брошюралар нашр этиш, совет кишиларининг меҳнат қаҳрамонлиги билан боғлиқ жойларни монументал пропаганданинг турли воситалари билан адабийлаштириш ишларини тағин ҳам кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Маданият министрлиги ҳамда Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти ташаббуси билан доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу анжуманда меҳнат қаҳрамонлиги, совет фани ва техникаси ютуқларини акс эттирувчи ёдгорликларни аниқлаш, уларни ўрганиш, авайлаб-асраш ва пропаганда қилиш билан боғлиқ проблемалар хусусида фикрлашиб олинди.

А. САВИЦКАЯ,
Л. ЖУКОВА.

ИМЗО

ДОСТОНДАН ПАРЧА

Неча асрлардан буён ўзлаштирилмай қақраб ётган Мирзачўлнинг тақдири учун жон куйдирган Ильичнинг ўйлари достонда Михаил Иванович Калинин билан қилган суҳбатлари асосида ёритилади.

Тарихий декретнинг амалга оширилишида Коммунистик партиянинг ишончини қозонган ленинчи комсомолларнинг Мирзачўлни ўзлаштиришдаги фидойилиги асарда мадҳ этилади.

Ленин ўйчан Мирзачўлнинг
харитаси ёнида,
Қадим чўлнинг нақ қалбини
тинглар ўнг кафтин қўйиб,
Блокнотли чап илки ҳам
тиралган биқинида,
Мирзачўлга олиб қочмиш
чексиз орзуси, ўйи.
Гўё қумлар оташ тафтин
кўнгли сезиб тургандек,
Яйдоқ чўлнинг чанг бўронн,
гувлаши бўлиб аёи,
Дайди қумлар кўчишини
кўз ўнгида кўргандек,
Чатнаб, тарс-тарс ёрилган ер
бўлур унга намоён.
Харитага боқар такрор,
тошкин фикри бошида,
Мирзачўлни чамаларди
эгри-бугри шаклдан.
Ниманидир ҳал этарди.
шу доно қарашида,
Бир-бир таҳлил этилади
ҳар нуқта зўр ақлдан.
Харитадан нари кетиб
узоқроқдан бўйларкан,
Сўнг неларни шоша-пиша
блокнотга ёзар у.
Харита-ку сўзламасди,
бироқ кўрсатар аниқ:
На бир қишлоқ, на бир жонзот,
на бир томчи сувн бор.
Минг асрлар қақраб ётар,
повуллаб, бағри ёниқ,
Унда-бунда саксовуллар,
кўксин босган тиканзор.

* * *

—Салом Владимир Ильич!
— Э, келинг, салом, салом!
Хўп вақтида келдингиз-да,
Михаил Иванович.
—Хўш, хўш!.
— Харитага қаранг!
Бу чўл эмас, бир олам
—Уша қайсар Мирзачўлми!
Хўш, Владимир Ильич!
—Кимсасиз теп-текис ер-а,
дарё ўтар ёнидан.
— Етди чоғи Мирзачўлни
ўзлаштириш маҳали.
—Ишчи —деҳқон уддалайди...
—Шижоат бор қонида.
—Массальский[1] тадқиқотн
кўпларга мубҳам ҳали:
«Ўн минг квадрат чақирим.
Тамомила яйдоқ ер.
Тўқ қулранглн ва бўз тупроқ,
Ўт-ўлан май ойидаёқ —
Сарғаяди қовжираб,
Баъзан учрар шўрхок ер.
Қушлар учиб кетишар,
Қурт-қумирсқа, юмронқозиқ
Ер тагида сақлар жон —
Ҳансираб топмай ғиж.
Қудуқларнинг сувн шўр,
Мирзачўл гўё бежон».
—Муаллиф тасвирн қалай,
Михаил Иванович!
—Ҳақиқий географ экан,
бу ҳақиқий тадқиқот,
Ўн минг квадрат чақирим —
бир давлат ернга тенг!
—Сув чиқарсак, пахта эксак,
кийиннар бир мамлакат.
Ақлим бовар қилмас фақат,
наҳотки, шунчалик кенг,

* * *

Михаил Иванович
Ильич билан сўзлашар,
Назаримда Мирзачўл —
Келажагин кўзлашар.
Биз ҳам қалам иккимиз
Суҳбатига қўшилдик,
Эшитган, билганимиз
Кўчиришга шошилдик.

1). В. И. Массальский —Октябрь революциясигача Мирзачўлда тадқиқот ўтказган рус географи. «Туркистон ўлкаси» номли китоб автори.

Барот ИСРОИЛ.

26,5 минг тонна Ўзбекистон пилласи учун

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Республикамиз «кумуш тола» ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида она-Ватанга 26,5 минг тонна пилла етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишди. Бу улкан хирмонга ҳозирданоқ пухта замин яратиш лозим. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлиги ипакчилик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари республикада хизмат кўрсатган агроном Б. Шарипов, Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори У. Насриллаев, Андижон наслчилик-пиллачилик станциясининг директори, республикада хизмат кўрсатган агроном У. Сиддиқов, Фарғона область Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозининг пиллачилик бригадаси бошлиғи А. Эрматов ўртоқлар томонидан тайёрланган қуйидаги тавсияномада пиллакорларимизнинг шу кунларда амалга оширишлари лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритилади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб туҳфалар билан нишонлаш мақсадида давом этаётган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида она-Ватанга 26,5 минг тонна пилла етказиб бериш учун қурашмоқдалар. Бундай муҳим, айни вақтда шарафли вазифани бажариш учун ипак қурти боқишга пухта тайёргарлик билан киришмоқ лозим.

Маълумки, пилла маҳсулдорлигини ошириш пиллачиликнинг озуқа базасини тинмай ривожлантиришга ва унинг сифатини тубдан яхшилашга бевосита боғлиқдир. Ипак қуртининг бирдан-бир озуқаси тут дарахти барги бўлганлиги учун тутчиликка етарли эътибор бермай туриб, пилла ҳосилини юқори кўтариш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам пилладан баракали хирмон кўтаришни кўзлаган ҳар бир деҳқон тут дарахтларини агротехника талаблари асосида парвариш қилиши керак.

Ҳозир тут кўчатлари ўтқазиш ҳамда тутзорларни парвариш қилиш пайти. Бу ишларни янада жадаллаштириш учун баҳорнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиш зарур. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, эрта баҳорда ернинг нами қочмай экилган тут ниҳоллари яхши тутади, қуриб қолиш ҳоллари кам учрайди.

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, тут дарахтининг барг ҳосили ва унинг сифати ҳозирда уларни қай даражада парвариш қилишимизга боғлиқ. Парвариш ишлари тутзорлардаги дарахтлар қатор ораларини яхшилаб ҳайдашдан, ҳар бир туп тут тагини юмшатиб, бегона ўтлардан тозалашдан бошланади. Бу ишлар бажарилгандан сўнг минерал ўғитлар солинади ва ариқ олиниб, суғорилади. Баҳор кунларида тутлар 2—3 марта қондириб суғорилиши шарт. Сабаби, қиш охирларида ва баҳор бошларида бўлган ёғингарчилик ернинг 1—1,5 метр чуқурлигида жойлашган илдизларга етиб боргани йўқ. Бундан ташқари, ўтган йилги ёзнинг бир оз салқин келиши натижасида тут новдаларининг ўсиши ҳар йилдагидан 10—15 процентга камроқ бўлди. Тут дарахти дастлабки вақтларда ўз танасидаги запас моддалар ҳисобига ривожланиши мумкин. Лекин улардан мўл ва сифатли барг ҳосили олиш учун сув ва минерал ўғит билан етарли таъминлаш керак.

Хуллас, ипак қуртидан бўлиқ, салмоқдор, сифатли пилла ҳосили олиш учун ҳозирдан бошлаб тут дарахтлари парваришини кучайтириб юборишимиз керак. Тут дарахти парваришига асоссиз равишда етарли эътибор берилмаётган хўжаликларда қурт айни катта даҳага кирган паллада барг танқислигига учраб қолинади. Ана ўшанда, аттанг, деб бармоқ тишлашдан, барг ислаб тўрт томонга югуришдан бошқа чора қолмайди. «Кейинги пушаймон — ўзингга душман», дейди халқимиз. Фурсат ғанимат, ҳозирданоқ бунинг олдини олиш керак.

Пилла тайёрлаш бўйича қўйилган катта топшириқни бажариш мақсадида бу йил республика колхоз ва совхозларида 450 минг қутидан кўпроқ қурт боқиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 5910 инкубатория ажратилиши ва жиҳозланиши, 12 минг инкубист, 7100 бригадир ва 140 минг звено бошлиғи тайинланиши ва ўқитилиши керак. Ҳозирги вақтда бу кадрларни ўқитиш давом этмоқда. Шу билан бирга, қуртхона ва инкубаторияларни ажратиш, уларни жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Ипак қурти уруғининг сифати йилдан йилга яхшиланиб бораётганлигини алоҳида айтиб ўтмоқчимиз. Илгаримизлари ҳар бир қути уруғидан 19 грамм қурт олинадиган бўлса, ҳозир бу миқдор 21—22 граммни ташкил этади. Шунинг учун ҳам эндиликда аввалгидек ҳар бир қути қурт учун 60 квадрат метр эмас, балки 70 квадрат метр жой тайёрланиши керак. Ипак қурти боқишнинг умумий ҳажми кўпаяётганлиги муносабати билан ҳар бир хўжаликда қўшимча равишда қурт боқувчилар жалб қилиш керак бўлади. Шунингдек, қурт боқиладиган хоналар иссиқ ва намликни яхши сақлайдиган, озода, баҳаво бўлиши лозим. Психрометр, термометр, ўтин-кўмир ва қурт боқиш учун керакли бўлган бошқа асбоб-ускуналар олдиндан тахт қилиб қўйилиши керак.

Очириладиган қуртлар соғлом ва ҳаётчан бўлиши учун инкубарияларга катта эътибор бериш шарт. Инкубатория яқинида минерал ўғитлар ва химиявий моддалар сақланадиган омборлар бўлмаслиги керак. Ҳашарот ва кемирувчи жониворларга қарши дори сепилган хоналардан инкубатория сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Чунки юқори ҳарорат ва намлик натижасида бу ердаги химиявий моддалар қолдиғи парланиб, мурғак қуртларни ҳалоқ қилиб қўяди.

Ипак қуртини жонлантириш пайти яқинлашиб келмоқда. Шунинг учун ҳам инкубарияларни ремонт қилиш, сўндирилмаган оҳак билан оқлаш, печкаларни кўздан кечириш ва керакли анжомлар билан жиҳозлаш ишларини охирига етказиш лозим. Бу ишларни бажаришда инкубатория хоналарини дезинфекция қилиша алоҳида эътибор берилади. Дезинфекция қилиш учун 4 процентли формалин эритмаси ишлатилади. Бу иш қилинаётган вақтда хона ҳарорати, албатта 26—27 даражадан паст бўлмаслиги шарт. Шундан сўнг хонанинг эшик ва деразалари яхшилаб ёпиб қўйилади, уч кун ўтгандан кейин очилиб, шамоллатилади. Ана шу қоидаларга риоя қилинмаса, касал тарқатувчи микроорганизмлар йўқолмасдан қолиши ва ипак қуртига катта зарар етказиши мумкин.

Ҳар 70—80 қути ипак қурти уруғини очириш учун битта инкубатория ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина инкубистлар ишни яхши ташкил қила оладилар. Улар кеча-кундуз хона ҳарорати ва намлигидан хабардор бўлиб турадилар, қуртларни ўз вақтида тарқатишга улгурадилар. Ипак қурти очириш муддатини белгилаш жуда муҳим ва масъулиятлидир. Чунки қурт эрта очилиб қўйилса, барг етилмай қолади, ҳом барг еган қуртлар эса касалликка чалинади. Оқибатда пилла ҳосилига ҳамда сифатига катта путур етказилади. Уруғ жуда ҳам кечикиб очирилганда эса барг даҳаллашиб қолади, қуртнинг катта дахаси ёзнинг иссиқ кунларига тўғри келиб қолади. Бу шубҳасиз, ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун қурт уруғи очириш муддатини ҳар бир район, хўжаликнинг иқлим шароитига ва тут дарахтининг ривожланишига қараб белгилаш лозим. Бу муҳим ишни ҳал қилишга тажрибали пиллачиларни, мутахассисларни ва гидрометеорология ходимларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Ипак қуртининг уруғи уруғчилик заводларида уч кунлик инкубация даврини ўташи сабабли илгаригидек 12 кунда эмас, балки 9 кунда жонланади. Шунинг учун инкубаторияга ипак қурти уруғини тўкиш муддати тут дарахтларининг асосий қисмида 2—3 та чин барг пайдо бўлиш даврига тўғри келиши керак. Шундай қилинганда қуртлар тут дарахтларида 5—6 та барг пайдо бўлганида очиб чиқади ҳамда қуртлар бешинчи ёшида пишиб етилган, сифатли барг билан таъминланади.

Одатда инкубаторияга 2—3 қаватли сўрилар ўрнатилади ва уларга оқ сурп таранг қилиб тортилади. Уруғлар заводдан келтирилгач, кассеталардан қоғоз қутичаларга тўкилади ва бир текис қилиб ёйиб қўйилади. Ҳар бир қоғоз қутичага икки қути уруғ тўкилади. Уруғ инкубаторияга қўйилган кундан бошлаб ҳаво ҳарорати доимо 24 даража, намлиги эса 70—75 процент бўлиши шарт. Илгариги пайтлардагидек уруғни 2—3 кун 14—15 даражада ушлаб туриш даркор эмас. Чунки бундай иш, юқорида айтилганидек, уруғ заводларида бажарилади.

Уруғлар инкубация қилинаётган вақтда хонанинг ҳарорати ва намлиги доимо назорат қилиб турилиши керак. Бу ердаги муҳит тез-тез ўзгариб турса, қуртларнинг жонланишига салбий таъсир кўрсатади ва уларнинг ҳаётчанлиги пасайиб кетади. Намлик пасайиб кетган кезлари очирилаётган уруғлар қотиб қолган ҳоллар тажрибада бир неча бор кузатилган. Хонадаги ҳамма уруғлар учун бир хил шароит яратиш мақсадида ҳар куни бир марта сўрининг юқори қаватидаги уруғлик қутичаларни пастки қаватга, пастки қаватдагисини эса юқори қаватга алмаштириб турилади. Мўътадил шароитда инкубация қилинаётган уруғдан 8 — 9 кунда қурт очиб чиқа бошлайди. Пиллачиларга фақат бир вақтда чиққан қуртлар берилади. Кечқурун ва эрталаб чиққан қуртлар аралаштириб тарқатилса, келажакда улар катта-кичик бўлиб қолади, ҳосилга путур етказади. Хуллас, очиб чиққан қуртлар тезлик билан пиллачиларга тарқатилиши, ёш ва мурғак қуртларни боқиш учун иссиқлик ҳамда намликни яхши сақлайдиган хоналар ажратилиши лозим. Бу хоналар яхшилаб ремонт қилинмоғи, сўри тайёрлаш учун мўлжалланган ходачалар ичкарига киритилиб, формалин эритмаси билан дезинфекция қилинмоғи керак. Қурт боқиладиган ҳар бир хонада 2—3 қаватли сўрилар тайёрланади ва печлар ўрнатилади.

Ёш вақтида қуртлар ташқи муҳит таъсирига жуда ҳам берилувчан бўлади. Иссиқлик ва намликнинг кескин равишда ўзгариб туриши уларнинг организмига тезлик билан ўз таъсирини ўтказади, ҳаётчанлигини пасайтириб юборади. Шунинг учун ҳам қуртларни ёш даврида парвариш қилишга алоҳида эътибор бериш, биринчи ва иккинчи ёшларда хоналарни иситиб, ҳароратнинг 26—27 даража ва намликнинг 65—75 процент бўлишини таъминлаш лозим. Юқорида айтилган шароитлар қуртларни инкубаториядан олишдан икки кун илгари тайёрлаб қўйилиши лозим. Шунда инкубаториядан янги олиб келинган ипак қуртлари нормал шароитда ривожлана бошлайди. Шундай қилиб, улкан хирмонга мустаҳкам замин яратилган бўлади.

Ҳозир пиллачилар иши айни қизиган пайт. Ҳар бир пиллакор қурт боқишга пухта ҳозирланиши, тайёргарлик ишларини сифатли бажариб, пилладан мўл ҳосил олиш учун пухта замин яратиши даркор.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ЛАВЛАГИ

Беш йилдан бери маккажўхорикорлик бригадасига бошчилик қилмоқдаман. Коллективимиз ўзининг фидокорона меҳнати эвазига йилдан йилга кўплаб маккажўхори дони, силосбоп кўкпоя ҳамда лавлаги ҳосили олиб келмоқда.

Хўжалигимиз чорвасини мўл-кўл озуқа билан таъминлаш мақсадида бундан тўрт йил муқаддам бригадамиз коллективи маккажўхори билан лавлаги уруғини бир майдонга бир вақтда экиш ҳамда шу майдондаги икки хил экиндан баракали ҳосил олишни тажриба қилиб кўрди.

Барча майдонларни экишга тайёрлаганимиздан сўнг асосий картамизга сеялка юргазиб кўрдик. Кейин бир метр жойда тахминан қанчадан маккажўхори ва лавлаги кўчати униб чиқишини чамаладик. Сеялка маккажўхори уруғини уяларга доналаб ташлайди. Лекин лавлаги уруғини бундай экиб бўлмайди. Ишни шу ҳолда давом эттирадиган бўлсак, бир метр жойда 45—50 туп лавлаги кўчати униб чиқар экан. У ҳолда яганалаш масаласи нима бўлади? Бизни ташвишга солаётган нарса шу эди. Чунки яганалаш учун колхоздан қўшимча ишчи кучи сўрашимиз керак. Бундай агротехника тадбири пахтачилик бригадаларида ҳам айни ишлар қизиган паллага тўғри келади. Бригадамизда жами 5 киши меҳнат қиладик. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, улар билан 30—40 гектарлик майдондаги лавлагини яганалаб чиқиш қийин. Сифатсиз ўтказилган ягана эса ҳам маккажўхорини, ҳам лавлагини барбод қилади. Шуларни ўйлаб охири бир қарорга келдик.

Бригада аъзолари билан колхозимиз пилорамасига бориб, у ердан ёғоч қипиғи олиб келдик. Лавлаги уруғини қипиққа аралаштириб экиб кўрдик. Натижада, бир метр ерда 45—50 тадан эмас, балки 10—12 тадан кўчат олиш мумкинлиги аниқланди. Колхоз правлениеси ҳамда бош мутахассисларнинг рухсати билан ўша йили 30 гектар ерга ана шу усулда лавлаги билан маккажўхорини аралаштириб экдик. Оқибат айнан биз кутгандай бўлиб чиқди. Маккажўхори ва лавлагидан соғлом кўчатлар олинди ҳамда ягана қилишдек оғир меҳнатдан халос бўлдик.

Йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат туфайли кузги хирмон, айниқса, баракали бўлди. Шу йили ҳар гектар ердан 101 центнердан маккажўхори дони, 350 центнердан лавлаги ҳосили олдик. Мана, тўрт йилдирки, биз ҳам маккажўхоридан, ҳам лавлагидан мўл ҳосил олиб келмоқдамиз. Ўтган йили бригадамиз коллективи колхоздаги энг камҳосилли шўрхок ерларга ўтиб деҳқончилик қилди. Шунга қарамай гектар бошига 93 центнердан маккажўхори дони, 300 центнердан лавлаги ҳосили олишга муваффақ бўлдик.

Бу йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 115 центнердан маккажўхори дони, 300 центнердан кўкпоя олишни мўлжаллаяпмиз. 30 гектар ерга маккажўхори билан лавлаги уруғини аралаштириб экамиз ва кузга бориб ҳар гектар ердан камида 400 центнердан лавлаги ҳосили оламиз.

Бригадамизнинг аҳил коллективи ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ҳар тарафлама юқори кўрсаткичлар билан якунлаш учун ўзларининг бор имкониятларини ишга соладилар.

Жонибек ИУЛДОШЕВ,
Сирдарё область, Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари, фан ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Усимликлар экспериментал биологияси институти липидлар биохимияси лабораториясининг мудири ўртоқ Раҳим Раҳмонович **Раҳмоновга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физика фанларини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институти лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Латиф Шарипович **Хўжаевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физика фанларини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Иван Александрович **Агаповга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи** билан мукофотлади.

Раҳим Бекжонович **Бекжоновга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми нашриёт ишини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакциясининг мудири ўртоқ Суюн Қораевич **Қораевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва касаба союз ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент область касаба союзлари Совети раиси ўртоқ Анатолий Васильевич **Браиловга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада физика фанларини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

Планетамизда

ТИНЧЛИК ИШИГА, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА АСТОЙДИЛ ХИЗМАТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилганлиги, мукофотни топшириш маросимида у сўзлаган нутқ халқаро жамоатчилик билан матбуотнинг ҳамон диққат марказида турибди. Турли мамлакатларнинг оммавий ахборот органлари Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» трилогиясида ленинчи коммунистнинг, давримиз атоқли сиёсий ва давлат арбобининг кўп қиррали ғоят бой тажрибаси ифода этилганлигини таъкидламоқдалар. Шу билан бирга мазкур китобларда совет тарихнинг ғоят муҳим даврларида КПСС, совет халқи тўплаган улкан тажриба ҳам жамланган.

Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилганлигини самимий ва чуқур мамнуният туйғулари билан табриклайди, деб ёзади Болгариянинг **«Отечествен фронт»** газетаси. Ана шу юксак мукофот ўзининг бутун ҳаётини ср юзида социализм ва тинчлик иши учун ленинча эҳтирос ва партиявийлик билан тўла-тўкис бағишлаётган кишининг хизматлари эътироф этилганлиги тимсолидир.

Л. И. Брежнев Москвада сўзлаган нутқида коммунистлар бутун фаолиятининг мазмуни меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашдан иборат эканлигини таъкидлади, деб ўқтиради Венгрия-нинг **«Непсабадшаг»** газетаси. Ана шу ғоя Л. И. Брежневнинг юксак мукофот — Ленин мукофотига сазовор бўлган китобларида ҳам ўзининг тўла-тўкис ва ёрқин ифодасини топди.

Социалистик Монголияда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари ҳозирдаёқ кўп нусхада уч марта нашр этилди, деди МХР Буюк халқ хуралининг аъзоси, Монголия Касаба союзлари марказий кенгашининг Раиси **Г. Очирбат.** Бу китобларни ҳозир ҳам миллион-миллион кишилар зўр мароқ билан ўқиб ўрганмоқдалар.

Францияда чиқадиган **«Юманите»** газетаси қуйидагиларни қайд этади: Л. И. Брежнев Москвада нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи коммунистик қурилиш йўлидан нақадар олға силжиса, унинг экономикаси нақадар кучли ва совет кишиларининг турмуши нақадар маъмур бўлса, меҳнаткашларни ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш вазифалари шу қадар кўпроқ аҳамият касб этаверишини таъкидлади.

Англиянинг **«Файнэншл таймс»** газетаси Л. И. Брежнев эслатиб ўтган қуйидаги гапга эътиборни жалб қилади: орттирилган жами тажриба, мавжуд халқаро вазият, айниқса сўнгги давр фактлари Совет Иттифоқи зиммасига сергак бўлиб туришни, Ватан ва бутун инсоният тақдири учун ўз тарихий масъулиятини унутмаслик мажбуриятини юклайди. Совет раҳбари КПССнинг сиёсати халқнинг турмуш даражасини муттасил оширишдан, мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат сиёсат эканлигини таъкидлади, деб илова қилади газета.

Совет Иттифоқи тинчлик ишини бундан буён ҳам қатъий туриб ҳимоя қилишга азму қарор берган. Буни Л. И. Брежнев Москвада сўзлаган нутқида яна бир бор таъкидлади, деб ёзади Италиянинг **«Жорно»** газетаси. Унинг нутқи — инсониятга мурожаат қилинган, ақлидрок овозидир.

Америкадаги **«Лос-Анжелес таймс»** газетаси Л. И. Брежневнинг публицистик китоблари китобхонлар ўртасида ғоят машҳур эканлигини қайд этиб, шу ишдан кузатилган мақсад ҳозирдаёқ орттирилган жами қимматли тажрибани янги авлодларга қолдиришдан иборатдир, деб таъкидлайди. (ТАСС).

Лаос Халқ-Демократик Республикаси эртани нунга номил ишонч билан қарамоқда. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1978 йилда бошланган биринчи уч йиллик плани совет беш йилликлари тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

СУРАТДА: мамлакатда энг йирик бўлган Намгум ГЭСи бошқармаси комитетининг аъзоси, инженер Кузол, навбатчи инженерлар Сенг-Хам Ботхам ва Улам Сутхамавонг.

Н. Акимов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ДЎҚ-ПЎПИСА ВА ТАҲДИД КАМПАНИЯСИ

Қўшма Штатлар Эронга қарши дўқ-пўписа ва таҳдид иборат иғвогарлик кампаниясини кучайтирмоқда. Оқ уй вакили матбуот конференциясида сўзга чиқиб, «Бизнинг тоқатимизнинг ҳам чегараси бор» деб яна Теҳронни огоҳлантирди. У сўнгра таҳдид қилиб айтдики, «бартараф этишга эришилмаган ва Эрон маъмурлари Америка элчихонаси ходимларини озод қилмаган тақдирда Оқ уй ўз тадбирини қайта кўриб чиқади».

Айни вақтда Қўшма Штатлар Эронга бевосита қуролли аралашувга тайёргарликни активлаштирмоқда. Шимолий Каролина штатидаги Форт-Брэгге ҳарбий базасининг қўмондонлиги Пентагон апрелда «тез чора кўриш корпуси»нинг олти кунлик маневрларини ўтказишга қарор берганликларини эълон қилди. (ТАСС).

ДАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

КОПЕНГАГЕН, 4 апрель. (ТАСС). Кеча Дания пойтахти чеккасидаги ишчилар шаҳарчасида Дания Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди очилди. Съездда бир мингга яқин делегат, партия ветеранлари, тараққийпарвар ташкилотларнинг намояндалари, шунингдек чет эллардан келган меҳмонлар — 20 дан ортиқ қардош партияларнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Улар КПСС Марказий ревизия комиссияси раиси Г. Ф. Сизов бошчилигидаги КПСС делегациясини қизғин табриклалар.

Съездда партия Раиси И. Енсен Дания Компартияси Марказий Комитети номидан Ҳисобот доклади қилди.

ВСР ПРЕЗИДЕНТИНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

ХАНОЙ, 4 апрель. (ТАСС). Бугун мамлакат ВСР Президенти Тон Дик Тханг билан видолашди.

Пойтахтнинг Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлиси саройи жойлашган Баднь марказий майдони мотам либосида. Қора лента билан ўралган миллий байроқлар тушириб қўйилган.

Эрталаб соат 8. Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, ВСР Президенти лавозимини ижро этувчи Нгуен Хиу Тхо, ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг, партия ва давлатнинг бошқа раҳбарлари марҳум президент жасади солинган тобутни олиб чиқадилар ва артиллерия тўпи лафетига қўядилар. Минглаб кишилар мотам сукутида бош эгиб турибдилар.

Сўнгра мотам маросими қатнашчилари, қаҳрамон жангчилар мозори томон йўл оладилар. Марҳумнинг жасади шу ерга қўйилди.

ИТАЛИЯ: Навбатдаги кризис вазиятида

Шу кунларда италияликлар истисносиз ҳаммани ҳаяжонлантираётган мавзу — навбатдаги ҳукумат танглигини қизғин муҳокама қилмоқдалар. 19 мартдан бери мамлакат аслида ҳукуматсиз яшамоқда. Христиан-демократ Ф. Коссига ҳукумати истеъфога чиққанидан кейин ҳокимиятнинг ўрни бўшаб қолди.

Ҳозирги Италияда «иллатли» масалалар оз эмас. Сиёсий мақсадни кўзловчи қотилликка қарши кураш шу масалалар орасида биринчи ўринда турибди. Мана шу қотиллик тўлқини бутун мамлакат бўйлаб ёйилди. Газандадар Римда, Миланда, Туринда, Болоньяда, Падуяна, Неаполь ва бошқа шаҳарларда хуруж қилмаган кун йўқ деса бўлади. Сўл партиялар ва уларнинг раҳбарлари, ишчилар, журналистлар, судьялар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари газандалик ҳаракатларига қурбони бўлмоқдалар. Газеталарнинг саҳифалари навбатдаги қотилликлар ва суиқасдлар тўғрисидаги хабарлар билан тўлиб-тошган, телевидение янгиликлари экстремистларнинг қуролли шайкаларини қўлга тушириш операцияларини кўрсатиш билан бошланмоқда. Римдаги ТАСС бўлими жойлашган бино ўтган тунда яқин атрофда ўтказилган кучли портлашдан ларзага келди.

Экстремист гуруҳлар ўз ҳаракатлари билан бошбошдоқлик ва даҳшат вазиятини вужудга келтиришга, давлатнинг республика тартиб-қоидаларини қўпоришга интилаётганларини мамлакатнинг демократик доиралари ташвиш билан қайд этмоқдалар.

Италияда навбатдаги ҳукумат танглиги умумий иқтисодий ва сиёсий танглик вазиятида содир бўлди. Пулнинг қадрсизланиши — бу тангликнинг энг таҳликали кўринишидир.

Оммавий ишсизлик ҳам Италиядаги ҳозирги ҳукумат танглигининг ташвишли белгиси бўлиб қолди. Марказий статистика институтининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги ишсизлик сони ҳозирги пайтда 1 миллион 700 минг кишидан ошиб кетди. Бошқа сўзлар билан айтганда, катта ёшдаги ҳар 10 италияликнинг бири ўз кучи ва қобилиятини ишмага ишлатишни билмай, буржуа жамиятида «ортиқча» киши бўлиб қолмоқда. Жанубий Италиядаги меҳнаткашларнинг аҳволи жуда фожиали.

Тараққийпарвар жамоат кучларининг фикрича, мана шундай шароитда фавқулодда вазиятни бартараф қилишга қодир бўлган ва аҳолининг мадади билан Италия жамияти турмушининг турли соҳаларидаги танг ҳолатларни бирёқлик қилишга кириша оладиган ҳукумат жуда зарур бўлиб қолди.

Бу масалада Италия Коммунистик партияси аниқ равшан позицияда турибди. Коммунистлар барча демократик партиялар, шу жумладан, Коммунистик партия иштироқида миллий бирлик ҳукумати тузиш тарафдори эканликларини Италия Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми тасдиқлади. Барча сайловчиларнинг учдан бир қисми Коммунистик партия вакиллари учун овоз берган экан, италиялик ишчилар синфи мана шу энг катта партиясининг мамлакатга раҳбарлик қилишда иштироксиз етук давлат проблемаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Буни ҳатто коммунистларга асло ҳайриҳоҳ бўлмаган кучлар ҳам тушуна бошладилар. Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери ҳокимият дастагини қўлдан бермай келаётган христиан демократларнинг февраль иккинчи ярмида бўлиб ўтган съездида шу партиянинг бир гурух сергак фикрли арбоблари барқарор ҳукумат тузиш мақсадида Италия Компартияси билан мулоқат бошлаш кераклигини айтди. Аммо, ХДП съездида хатто Компартия билан музокара қилиш имкониятини ҳам рад этувчи ўнг марказ кўпчилик галаба қозонди.

Шу билан бирга, мамлакатни эски методлар билан идора қилиш, ҳокимиятни ХДП монополияси қилиб сақлаб қолиш мумкин эмаслигига консерватив кучлар узил-кесил ишонч ҳосил қилдилар. Христиан-демократик партия энди ёлғиз ўзи ҳам, ўзининг одатдаги ўнг йўлдошлари бўлмиш либерал ва социал-демократик партиялар билан бирга ҳам бирмунча яшаш қобилиятига эга бўлган ҳукумат тузишга қодир эмасликларини 1979 йилги парламент сайловидан кейин ўтган вақтнинг ўзи кўрсатди. Шу сабабли республика президентидан яна ҳукумат тузиш топшириғини олган Ф. Коссига ҳукуматга социалистик ва республикачилар партияларининг вакилларини жалб қилишдан бошқа илож топа олмаяпти. Бу вазиятдан норози бўлган либераллар билан социал-демократлар оппозицияга ўтишларини маълум қилдилар.

Фашизм режими барбод бўлганидан кейин рўй берган навбатдаги, 41-ҳокимият «бўшлиғи» анча чўзилиб кетди. Бунинг сабаби шуки, христиан-демократларнинг сафларида ҳам, шунингдек, социалистларнинг орасида ҳам ички фракцияча оқимлар ўртасида жуда шовқин-суронли мунозара авжига минди. Чунончи, Италия социалистик партияси сўл қанотининг вакиллари партия раҳбарларидан мамлакатнинг бошқа сўл кучларига нисбатан, жумладан, келгусида Компартия вакилларини ҳам ўз ичига оладиган миллий бирлик ҳукумати тузиш истиқболига нисбатан ўз позициясини жуда аниқ белгилаб олишни талаб қилмоқдалар.

Италия Компартияси янги ҳукуматнинг программаси эълон қилинмагунча олдиндан бирон-бир мулоҳаза айтмаслигини билдирди. Шу билан бирга Компартиянинг раҳбарлари уч партия (христиан-демократлар, социалистлар ва республикачилар) вакилларидан иборат ҳукуматнинг тузилиши вужудга келган аҳволдан қутулишга олиб бормаслигини уқтириб ўтдилар. Оғир иқтисодий танглик, терроризм авж олганлиги, социал қийинчиликлар мамлакатни идора қилишда барча демократик кучларнинг иштирок этишини талаб қилмоқда, коммунистлар ҳам шундай деб таъкидламоқдалар.

Мамлакатдаги сиёсий аҳвол жуда мураккаблигича қолмоқда. Маҳаллий обзорчиларнинг фикрича, Римдаги янги ҳукумат Ф. Коссиганинг аввалги кабинети сингари «ўткинчи» ҳукумат бўлади, ҳукумат танглигига чек қўя олмайди. У мана шу тангликни бирмунча вақт «тўхтатиб туриш»гина мумкин.

Шу боисдан ҳам Италияда ёз фаслининг бошларида ўтказиладиган маҳаллий ўзўзини бошқариш органлари сайловини зўр қизиқиш билан кутмоқдалар. Бу сайловнинг якунлари Италиянинг ички сиёсат саҳнасидаги кучларнинг реал нисбати тўғрисида бирон-бир даражада тасаввур бериши мумкин.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС мухбири.
РИМ.

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

ТОШКЕНТДА ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНДИ

Бу коллективни, айниқса, унинг Людмила Смирнова, Алексей Уланов каби аъзоларини эндиликда миллионлаб кишилар яхши билишади. Уларнинг чиқишларини, хоҳ спорт саройида, хоҳ телеэкранда бўлсин, ҳаммавақт зўр қизиқиш билан томоша қиладилар. Қолаверса, ленинградликларнинг иккинчи марта Тошкентга таклиф этилиши ҳам ана шу эътироф ва қизиқиш туфайлидир.

Мухбиримиз балетнинг бош балетмейстери, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Константин РАССАДИН билан учрашиб, суҳбатда бўлганида, у қуйидагиларни гапириб берди:

— Мен бу коллективда яқиндан бери ишлаяпман. Шу боисдан балетнинг ташкилотчилари, машҳур намояндалари, Бутуниттифоқ ва халқаро майдонда эришган ютуқлари ҳақида кўпроқ гапирсам ноқулай бўлмаса керак деб ўйлайман.

Ленинград муз устида балетига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги нишонланган 1967 йилда асос солинган. Биз бу фактни ҳаммавақт алоҳида фахр билан эслаймиз ва таъкидлаймиз. Балетни тузган киши Константин Боярский. Муз устида балетнинг ҳақиқий жонкуяри бўлган бу одамнинг меҳнатсеварлиги, тинимсиз изланиши, бир сўз билан айтганда, фидойилиги туфайлигина коллектив тез орада шаклланди, ўз программаси ва ижрочилик тажрибасига эга бўлди. Дастлаб К. Боярский раҳбарлигида бу ерда саҳналаштирилган бир қатор балетларнинг кейинроқ Москва ва Киев муз устида балетлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олганлиги фактининг ўзи ҳам ленинградликларнинг илк қадамлари муваффақиятидан ёрқин мисолдир.

Вақт ўтиши билан Балет қатнашчилари сафи кенгайиб, программа эса, ранг-баранглашиб борди. Мамлакат бўйлаб илк гастроллар бошланди. Бу сафарлар, турган гап, коллектив ўчун кенг доирада имтиҳон эди. Кўрикдан муваффақиятли ўтилди. Ниҳоят, балет чет элларга — Польша ва Францияга гастролга таклиф қилинди. Ватандошларимиз программаси хорижий томошабинлар учун кутилмаган воқеа бўлди. Мен ўша вақтларда Киров номидаги Ленинград давлат опера ва балет театрида ишлардим. Юртдошларимизнинг муваффақиятли гастроллари ҳақида газеталарда мақолалар босилган, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар берилган эди. Бундай зафарли одимлар, умуман, ютуқлар йиллар ўтган сайин кўпайиб борди.

Балетимиз шон-шуҳратини оширган солистлар — Людмила Смирнова, Алексей Улановлар XI Олимпиадада, шунингдек, жаҳон, Европа биринчиликларида қатнашиб, чемпион бўлдилар, совриндорлар қаторидан жой олишди. Людмила Смирновага халқаро классдаги спорт мастери унвони берилди. Алексей Уланов эса, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари рўйхатидан ўрин олди. Шуни қувонч ва ифтихор билан айта оламизки, Алексей Уланов жаҳон ва Европа биринчиликларида тўрт марта ғалаба қозонган. Иккала солистимиз бугунги кунда бутун совет муз устида балетининг энг уста, энг машҳур намояндалари сифатида эътироф этилмоқда.

Ленинград муз устида балетининг муваффақиятида РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Лариса Литвиненко, Ирина Филипповаларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ёш, аммо келажаги порлоқ солистларимиз, деб Лена Васильева, Лена Алепко, Александр Яковлев, Геннадий Зенкович, Михаил Каминов, Владимир Заикинларни ҳисоблаймиз. Уларнинг ижодий шаклланишида, умуман, балетимиз тараққиёти ва бугунги равнақида педагоглар — профессор Алексей Жидков, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Галина Пирожная, тренер — халқаро классдаги спорт мастери Владимир Куренбинларнинг хизмати катта. Томошаларимизнинг мазмуни, нафис, янгроқ чиқиши учун бош дирижёр Лео Корхин ва унинг шогирдлари алоҳида жонбозлик қилишмоқда, тинимсиз изланишлар йўлидан боришаётир.

Ленинград муз устида балетининг Москва ва Киев коллективларидан фарқи шундаки, у классик балетлар рақсларига асосланади. Тошкентда кўрсатадиган программамизда машҳур «Ромео ва Жульета», шунингдек, қатор бир актли балетлар бор. «Биллур сарой» деб номланган янги балетимиздан эса парчалар кўрсатмоқчимиз.

Коллективимиз Тошкентга қилинган аввалги гастролни ҳозирга қадар хурсандчилик билан гапириб юришади. Ўйлаймизки, бу галги сафаримиз ҳам муваффақиятли ўтиб, ўзаро ижодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига, халқлар дўстлигига муносиб хизмат қилади. Томошаларимизга марҳамат, азиз дўстлар!

Суратда: пойтахтимиз меҳмонлари: (чапдан) К. Рассадин, Л. Смирнова, А. Уланов.

Н. Шарипов фотоси.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

7—13 АПРЕЛЬ

7 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05—Мультфильмлар. 10.35 — Ҳаворанг чашка (бадиий фильм). 11.35—Ҳайвонот оламида. 15.00—Янгиликлар. 15.20 —Ҳужжатли фильмлар. 16.15 —Ҳунар-техника билим юртлари унвони берилди. Алексей Уланов эса, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари рўйхатидан ўрин олди. Шуни қувонч ва ифтихор билан айта оламизки, Алексей Уланов жаҳон ва Европа биринчиликларида тўрт марта ғалаба қозонган. Иккала солистимиз бугунги кунда бутун совет муз устида балетининг энг уста, энг машҳур намояндалари сифатида эътироф этилмоқда.

Ленинград муз устида балетининг муваффақиятида РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Лариса Литвиненко, Ирина Филипповаларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ёш, аммо келажаги порлоқ солистларимиз, деб Лена Васильева, Лена Алепко, Александр Яковлев, Геннадий Зенкович, Михаил Каминов, Владимир Заикинларни ҳисоблаймиз. Уларнинг ижодий шаклланишида, умуман, балетимиз тараққиёти ва бугунги равнақида педагоглар — профессор Алексей Жидков, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Галина Пирожная, тренер — халқаро классдаги спорт мастери Владимир Куренбинларнинг хизмати катта. Томошаларимизнинг мазмуни, нафис, янгроқ чиқиши учун бош дирижёр Лео Корхин ва унинг шогирдлари алоҳида жонбозлик қилишмоқда, тинимсиз изланишлар йўлидан боришаётир.

Ленинград муз устида балетининг Москва ва Киев коллективларидан фарқи шундаки, у классик балетлар рақсларига асосланади. Тошкентда кўрсатадиган программамизда машҳур «Ромео ва Жульета», шунингдек, қатор бир актли балетлар бор. «Биллур сарой» деб номланган янги балетимиздан эса парчалар кўрсатмоқчимиз.

Коллективимиз Тошкентга қилинган аввалги гастролни ҳозирга қадар хурсандчилик билан гапириб юришади. Ўйлаймизки, бу галги сафаримиз ҳам муваффақиятли ўтиб, ўзаро ижодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига, халқлар дўстлигига муносиб хизмат қилади. Томошаларимизга марҳамат, азиз дўстлар!

Суратда: пойтахтимиз меҳмонлари: (чапдан) К. Рассадин, Л. Смирнова, А. Уланов.

Н. Шарипов фотоси.

8 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.40 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 6-серия). 11.55—Концерт. 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20—Жонажон табиат. 16.45—Звездочёт. 17.30—Сизга манзур бўлган шеърлар. 18.00 —Концерт. 18.30—Фан оламида. 19.00 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30—Галлага йўл. I-кўрсатув. 20.15 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 7-серия). 21.30 —Время. 22.00—Хоккей. «Крылья Советов»—«Динамо» (М). Танаффусда—Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.05—Сўз кетидан сўз келар. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00—Миллионлар ленинча университети. 19.15—Ленинча альбом. I-фильм. 19.30 Ахборот. 19.45—Ёзувчи ва замон. 20.30—Ахборот. 20.50 — «Шодлик» ансамбли солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.00—Чорвачилик — зардбор фронт. 22.20 — Ленин 1918 йилда (бадиий фильм).

II

20.05—Янгиликлар. 20.25 — Ўқув кўрсатуви. 20.55 — Реклама. 21.10—Иқтисод ва тежамкорлик учун. 21.40 — Физика. 22.40—Ўттиз ёшга тўлган кун (бадиий фильм).

9 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05—Асли болаликдан. 10.50—Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 7-серия). 12.05—Киносаёҳатчилар клуби. 15.00—Янгиликлар. 15.20 Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.15—Рус тили. 16.45 — Концерт. 17.15—Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.45—Орлёнок. 18.30—Концерт. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30 — Галлага йўл. 2-кўрсатув. 20.00—Фильм-концерт. 20.10 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 8-серия). 21.30 — Время. 22.05—Нима? Қаерда? Қачон? 23.05—Дунё воқеалари. 23.20—Парвоз эт, товус.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30—Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Салом, Ральф (бадиий фильм). 12.30—Ўқув кўрсатуви. 13.00—Тарих тилга кирди. (телетеатр). 18.05—Болалар учун фильм. 18.20—Алангали йиллар хотираси. 19.15—Ленинча альбом. 2-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45—В. И. Ленин. Поэмадан парчалар. 20.10—Устоз Салимжон. Телефильм 20.30 — Ахборот. 20.50—Лирик концерт. 21.30—Время 22.05 — Чигит экиш кундалиги. 22.20 — Концерт.

II

20.05—Янгиликлар. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Ўқитувчи экрани. 21.20—Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.50—Ўқув кўрсатуви.

10 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05—Еш спортчининг катта майдони. 10.35—Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 8-серия). 11.55—Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30—Москва комсомолининг ишлари. 17.00 —Н. Петров чалади. 17.30 — Горничилар, қаердасиз? 18.00—Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00—Қувноқ нотачалар. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30—Галлага йўл. 3-кўрсатув. 20.15—Фильм-концерт. 20.25—Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 9-серия). 21.30—Время. 22.05 — Ленин Горкасида камер куйлари кечаси. 1-кўрсатув. 22.40—Дунё воқеалари. 22.55—Мўъжи. засиз-мўъжизалар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30— Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телевизон бадиий фильм. 12.30—Ўқув кўрсатуви. 13.00—Халқ ижодиёти. 13.30—В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси. 14.00—Темур ва унинг командаси (бадиий фильм, 1-серия). 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — «Ешлик». 18.45—Халқ контроли экрани. 19.15—Ленинча альбом. 3-фильм. 19.30—Ахборот. 19.45 — Илҳом. 22.30 — Ахборот. 20.50—Лирик концерт. 21.30—Время. 22.05—Қўзилатиш кампанияси — масъулиятли даор. 22.20—Концерт.

II

20.05—Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.55—Насарий механика. 21.55—А. Беруний номли Тошкент политехника институти 50 ёшда. 22.25 — Пистирмада (бадиий фильм).

11 АПРЕЛЬ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05—Горничилар, қаердасиз! 10.35—Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 9-серия). 11.40 — Концерт. 15.00 —Янгиликлар. 15.20—Ҳужжатли фильм. 15.35—Ўсмирлар ижоди. 16.05 —Адабий ўқиш. 17.00 — Чақмоқлар (бадиий фильм). 18.35—Дўстларимиз чеҳраси. 19.25—Дунё воқеалари. 19.40—Концерт. 19.55—Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилиш. Совет Армияси Марказий академик театридан олиб кўрсатилади. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. Қадимги Греция санъати. 22.35—Венгрия озод этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Венгрия маданияти кунларининг ёпилиши. Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30—А. П. Чехов. «Гилоф бандаси». 12.00—Ўйлаб топ. 12.30—Темур ва унинг командаси (бадиий фильм). 13.35 — Замандас. 18.05—Болалар учун фильм. 18.25—В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 18.45—Инсон болаликдан бошланади. 19.15—Ленинча альбом. 4-фильм. 19.30—Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30—Ахборот. 20.50—Қўшиқчи — шоирлар. 21.30—Время. 22.05—Оламда нима гап. 22.35—Оловнинг бўйсундирилиши. (бадиий фильм, 1-серия).

II

20.05—Янгиликлар. 20.25 — Табиатга муҳаббат. 20.55 — Буюк зафарлар йили. 21.25—Ўқув кўрсатуви. 22.25 —Ҳужжатли фильм.

12 АПРЕЛЬ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.10 — АБВГДейка. 10.40 — Ульяновлар оиласи. 1-кўрсатув. 11.10 — Қўплаб сифатли товарлар етказиб бераймиз. 11.40 — Спортлото. 11.55 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 12.25 — Москвичка. 13.45 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 14.30—Эрмитаж. Қадимги Греция санъати. 15.00—Дунё воқеалари. 15.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Фильм-концерт. 16.55 — Инсон. Ер. Коинот. 17.55 — Жаҳон халқларининг ижоди. 18.25 — Снёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов сўзи. 18.55 — Мультфильм. 19.05 —«Правда» газетасининг снёсий шарҳловчи Ю. А. Жуковнинг халқаро марузалардаги суҳбати. 19.50 — Ленин Октябрда (бадиий фильм). 21.30 — Время. 22.05 — Ер, биз узоқ муддатга кетяпмиз... Ҳужжатли фильм. 23.05 — Космонавтика кунига бағишланган концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 11.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.40 — Буни ҳамма билиши ва ундалаши керак. 12.10 — Иккинчи она тилимизни ўрганамиз. 12.40 — Ўзбекистон, Олимпиада йилида. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 14.15 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Санъат ғунчалари. 19.10 — Ленинча альбом, 5-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эртага — премьера. 20.30—Ахборот. 20.50 — Ҳ. Охунова концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Замонамиз қаҳрамонлари. 22.20 — Оловнинг бўйсундирилиши (бадиий фильм, 2-серия).

ТОЖИКИСТОН ТЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

13 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Қолган бутун умр мобайнида (бадиий фильм, 2-серия) 15.45 — Бугун — Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 16.00 — Музикали программа. 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Ленин ҳузурига, Кремлга. Ҳужжатли фильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 19.30 — Одатдан ташқари. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05— СССР халқ артисти И. С. Козловскийнинг юбилей кечаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — А. Навоий номли давлат академик катта театрининг навқирон балети. 10.50 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 11.25— Мультипанорама. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Маҳтумқули (бадиий фильм). 14.25— Бугун — Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 14.45 — Реклама. 18.20 — Звёздочка. 19.00 — Болалар учун кўрсатув. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистонда Озарбайжон СССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Дадабоева куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳ. Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.05 — Ҳужжатли фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

РЕКЛАМА
Ва эълонлар

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—5/IVда **Тирик мурда**, 6/IVда **Келинлар кўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—5/IV да **Тошкентнинг ноғанин маликаси**, 6/IVда **Ур тўқмоқ** (12.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —5/IV да **Биринчи сўса**, 6/IVда **Чандиқлар** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва катта цирки артистларининг гастроллари** 5/IV да — 16.00 ва 19.30да, 6/IVда 12.00, 16.00 ва 19.30).

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

7 апрель соат 19.00 да СССР биринчилиги учун

ОЛИЙ ЛИГАНИНГ «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АРАРАТ» (Ереван)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

●

Т. Г. ШЕВЧЕНКО НОМЛИ НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир, профессор, фан доктори ёки нандидати, доцент: илмий коммунизм;

катта илмий ходимлар, фан кандидатлари: қишлоқ хўжалигини механизациялаш, снёсий иқтисод.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 742005, Нукус шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 3-10-19, 3-12-81.

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1980—81 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича сиртқи бўлимга

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, журналистика, ҳуқуқшунослик ва география.

Аризалар 20 апрелдан бошлаб қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ БИР НЕЧА ТУРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

1 тур — 1 июндан 20 июнгача; 2 тур — 1 августдан 20 августгача.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри — 95, ТошДУ, сиртқи бўлим қабул комиссияси.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ВИНОСИДА

(Ўзбекистон кўчаси, 45-уй)

9—24 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

1981 йилда ишлаб чиқариладиган маданий-маиший ва спорт товарлари, хўжалик буюмлари ва галантерея молларининг

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Министрликлар ва республика идоралари, Иттифоқ миқёсидаги бирлашмалар ва корхоналар 1981 йилда ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш учун мўлжалланган товарларнинг намуналарини тайёрлаб 7—8 апрелда ярмаркага олиб келишлари зарур.

Шартномалар тузиш учун 8 апрелда ишонч қоғози билан ваколатли шахсларни юбориш лозим.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ».

АХБОРОТ

БУЮРТМА БАЖАРИЛМОҚДА

Чуст пахта тозалаш заводида маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин ошиб бормоқда. Беш йилликнинг якунловчи йилида у 21 миллион 600 минг сўмликка етади. Қимматбаҳо хом ашё Иттифоқимиз шаҳарлари, шунингдек чет элларга ҳам экспорт қилинаётир.

Биринчи кварталда буюртма бўйича 1850 тонна маҳсулот Югославия, Польша, Куба, Чехословакия, Болгария ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Наманган аврли шойи тўқималар комбинатида тайёрланаётган маҳсулотлар 10 хилдан ошди. Унинг бир қисми Сифат белгиси билан чиқариляпти. Бу тайёрланаётган жами маҳсулотнинг 25 процентини ташкил этади.

Корхона коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги кунигача Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар миқдорини 28,8 процентга етказиш учун курашмоқда.

«ОЛИМПИАДА—80»ГА

Чустдаги бадиий буюмлар фабрикаси тикувчилари «Олимпиада—80»га атаб дўппи тайёрламоқдалар. Олимпиада рамзи туширилган дўппиларга «Москва—1980 йил» сўзлари ёзилган. Ҳозиргача 12 минг 150 сўмлик совға дўппилари Москвага жўнатилди. Фабрика чеварлари яна 3 минг сўмлик совға дўпписини жўнатишга аҳд қилишди.

И. РУСТАМОВ.

ЧОРВАДОРЛАРГА АЛОҚА ХИЗМАТИ

Муборак шаҳридаги 500 номерли АТСдан «Большевик» совхози марказигача алоқа симлари тортила бошланди. Совхоз марказининг ўзида 100 номерли автоматлашган телефон станцияси қуришга киришилди. Бу ишларни амалга оширишда область алоқа ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли механизациялашган кўчма колоннанинг И. Магдиев бошлиқ монтёрлар бригадаси яхши хизмат кўрсатмоқда. Алоқачилар бу қурилишни шу йилнинг иккинчи кварталида ниҳоясига етказадилар. Улар шу кунларда доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Ж. МУЙСИНОВ.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАР

Сурхондарё область матлубот жамияти правлениеси қишлоқ жойларда аҳолига савдо хизматини яхшилаш ишига жиддий эътибор бермоқда. Кооператорлар бу йил қишлоқ аҳолисига планга кўшимча бир миллион сўмлик товар сотиш, магазинларнинг 90 процентини ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўтказиш, 27 та ихтисослашган янги магазинлар очишга қарор қилдилар.

Дастлабки янги магазинлар Бойсун районининг ялловларида ва қишлоқларда жадал суръатлар билан қуриляпти. Яқин кунларда Ойбек номли совхозда янги универмаг ишга туширилади. «Дарбанд» ва «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларида эса аралаш моллар магазинлари очилади.

Нарзи ТЎХТАШЕВ

СССР халқ ўқитувчиси, Самарқанд область Пастдарғом районидаги 31-ўрта мактаб муаллими Нарзи Тўхташев айни кучга тўлган чоғида тўсатдан вафот этди.

У 1926 йили Пастдарғом районининг Жўял Қосим қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини Самарқанд давлат университетини битиргандан сўнг 1951 йилда Пастдарғом районидаги 11-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси бўлиб ишлашдан бошлади. 1952 йилдан умрининг сўнгги кунларигача шу райондаги 31-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

Нарзи Тўхташев ўз ишига садоқатли, ёрқин истеъдодли педагоглардан бири эди. У бетакрор қобилиятга эга бўлган педагог ва математик сифатида ўз ўқувчиларига мустаҳкам ва чуқур билим берарди. У йирик методист, ёшларга мураббий ҳам эди. Унинг иш тажрибаси бир неча бор умумлаштирилиб, республикадаги бошқа ўқитувчилар ва халқ маорифи ходимлари орасида кенг ёйилди.

Ўқувчи ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялашдаги катта хизматлари учун у «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Шавкатли меҳнати учун», «Шавкатли меҳнати учун. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш учун» медаллари билан, «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони билан мукофотланган, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилган эди. 1979 йилда унга республикада биринчи бўлиб «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилди.

Ажойиб ўқитувчи, камтарин меҳнаткаш, сезгир ва саховатли дўстимиз Нарзи Тўхташевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

БИРИНЧИ ТУП

Олий лига командалари мамлакат 43-чемпионати мусобақаларини бошладилар. Ўтган куни мавсумнинг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Тўққиз учрашувдан бештасида дуранг ҳисоби қайд қилинди. Тўрт ўйинда эса дарвозалар дахлсиз қолди. Бу йилги чемпионатда биринчи тўпни пахтакорчи Низом Нортожиев киритди. У «Пахтакор» стадионида москвалик динамочилар билан учрашувнинг тўртинчи минутида дарвозани аниқ нишонга олиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Умуман пахтакорчилар биринчи учрашувни ёмон ўтказишмадч. Гарчанд бу ўйинда имконият бой берилган бўлса-да, умидли ёшлар росмана учрашувда бир-бирларини тўғри тушуниб, ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилдилар. 1:0 ҳисоби қарийб 65 минут давомида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлиб турди. Ана шу дақиқага келганда динамочи Газзаев жавоб тўпи киритишга муваффак бўлди. Учрашув тугашига олти минут қолганда эса Якубик тўп киритиш билан динамочиларга ғалаба келтирди.

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Арарат» — «Кубань» — 1:0, «Динамо» (Тб)—«Динамо» (Мн) —0:0, «Қайрат»—«Зенит»—2:0, «Нефтчи»—«Торпеда» — 0:0, «Диномо» (К) — ЦСКА — 3:0, «Черноморец»—«Спартак» (М) —0:0, «Шахтер»—«Локомотив» —2:2, «Карпат» — СКА (Р) — 0:0.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **ЧИМ ХОККЕЙ: Андижонда «Спартак» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг чемпионати бўлиб ўтди. Бунда «Андижанка» қизлари муваффақия- қозондилар. Вакилларимиз тўрт учрашувда ғалаба қилиб, бир ўйинда очколарни баҳам кўришди. Шундай қилиб ўн имкониятдан тўққиз очко тўплаган «Андижанка» Олимпиада йили мавсумида ажойиб ғалабани қўлга киритди.**

● **БОКС: Гродно шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилиги якунланди. Мусобақада тошкентлик В. Шевченко кумуш медалга сазовор бўлди. Андижонлик А. Пантаков эса бронза медали олди.**

● **САМБО: Омск шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР биринчилиги ниҳоясига етди. Биринчилик учун курашган республикамизнинг ўн самбочисидан уч нафари совринли ўринларга нўтарилди. Жумладан, тошкентликлар Р. Шайхуддинов билан М. Дадахўжаевлар кўлсиларига бронза медали тақилган бўлса, А. Храмцовский кумуш медалга лойиқ кўрилди.**

● **ВОЛЕЙБОЛ: Иваново шаҳрида СССР биринчилигининг финал ўйинлари ўтказилди. Ўсмирларнинг бу мусобақасида тошкентлик спартанчилар биринчи ўринни эгаллашди.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Сарсонлик саргардонликда. Бадиий фильм. 5-серия. 11.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.35 — Концерт. 12.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.50 — Спортлото. 13.00 — Сиз бунга қодирсиз. 13.50 — Халқ асбобларининг овози. 14.45 — Биз ва сиз учун уйлар. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Ёз кунларининг бирида. Бадиий фильм. 16.25 — Эртанги кун келади. 17.15 — Халқ оҳанглари. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетовнинг чиқиши. 19.00 — Мультфильм. 19.10 — Сандино ери. 20.10 — Ангара балетидан адажио. 20.15 — ВХР телевидениесининг программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Бенефис. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан, сўз келар. 10.35 — Эҳ, аттанг... Телевизион миниатюралар театри. 11.20 — Ўзбекистон Олимпиада йилида. 11.50 — Светофор. 12.50 —Концерт. 13.20 — Беозор қарилар Спектакль, 2-қисм. 14.55 — Мактабгача ёшдаги болалар ва мактаб. 18.20 — Санъат байрами. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Замонамиз қаҳрамонлари. 22.20 — Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концертининг давоми.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.15 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек шоирларининг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25—Дугоналар. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 12.30 — Катталарга болалар ҳақида. 13.00—Партия планлари ҳаётга. 13.30 — Йўл бошида. 14.00 — Пахтакорларнинг долзарб дамлари. 16.10—Қўшиқ шинавандалари студиямиз меҳмонлари. 17.30—Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 18.15 — Партия ходими минбари. 19.45 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ш. Эргашев куйлайди. 20.25 — Дўстларимиз эстрадаси. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.30 — Халқ ғалантларининг концерти. 22.